Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 20 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (13.460)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

БИЗНЕСНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, давлат хизматлари кўрсатишнинг тўғридан-тўғри мулоқотсиз замонавий интерактив шакллари жорий этилмоқда, давлат билан ишбилармонлар ўртасида тизимли мулоқот йўлга қўйилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрта синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили сифатида кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Шу билан бирга, тараққиётнинг ҳозирги босқичида бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалаларида шаклланган ёндашувларни қайтадан кўриб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилишини тақозо этмоқда.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада фаол жалб этиш ва хусусий бизнесини бошлашга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча босқичларида юзага келаётган муаммоларни ортиқча сарсонгарчиликларсиз ва қоғозбозликсиз тезкор ҳал этишга хизмат қиладиган бозор инфратузилмасининг барқарор ишлаши ва янада ривожланишини мувофиқлаштирувчи амалий механизмнинг самарали тизимини яратиш зарур.

Шу ўринда, мақоми, фаолият йўналиши ва кўлами, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг вазифалари, фаолият йўналишлари ва ваколатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, бизнес ҳамжамияти ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва соғлом шерикчилик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлар билан бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича долзарб ахборот алмашинувининг доимий каналини, аввало вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг амалий натижаларига эришиш, ўзининг бизнесини ташкил этиш ва юритишда аҳолига ҳар томонлама кўмак бериш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг, шунингдек, тадбиркорлик тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тизимини тубдан қайта ислоҳ этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин ҳамда унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб, қуйидагилар белгилансин:

а) тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида – тадбиркорлик субъектларини, айниқса ўз фаолиятини йўлга қўйиш даврида уларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофазасининг кафолатларини кучайтириш, жадал ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг устуворлик роли ва дахлсизлигини таъминлаш, республикамиз туманлари ва шаҳарларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жумладан:

ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда унинг натижаларини тизимли асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга тақдим этиш;

тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигининг, аввало маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишнинг амалий механизмини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолияти бўйича мустақил баҳолашни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан шикоят аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти мониторингини амалга ошириш ҳамда улар фаолияти текширувларида Палата аъзоларининг иштирок этишини таъминлаш.

б) ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида – тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтиришга кенг жалб қилиш, жумладан:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳити ҳолатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга кенг жалб қилиш, тадбиркорлик тузилмалари билан биргаликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини, жумладан, саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳалар бўйича эксперт кенгашларини ташкил этиш орқали ташкил этиш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республикамиз туманлари (шаҳарлари), вилоятлари кесимида жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳамда қонунчиликдаги меъёрлар ва талабларнинг амалга оширилиши натижалари бўйича ҳар чоракда таҳлил ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга уларни яхшилаш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифларни тақдим этиш.

в) тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида – тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектлари хизматларидан фойдаланиш бўйича имкониятлар ва шароитлар яратиш, маслаҳат ёрдами ва ахборот таъминотини тақдим этишда қуйидагилар орқали кўмаклашиш:

янгидан фаолият бошлаётган тадбиркорларни жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар фаолиятини яратиш ва ташкил этиш ҳамда уларга бизнес-режаларни тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва амалий масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

тадбиркорларнинг инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олишига ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, улар фаолияти бўйича текширувлар ўтказилганида тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатиш;

молиявий ва товар-хомашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, технологик машиналар ва қурилмалар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер майдонларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Савдо-саноат палатаси аъзолари ва ҳамкорлари иштирокида жамоатчилик асосида қўмиталар, ишбилармонлик ва мувофиқлаштириш кенгашларини ташкил этиш;

инновация тадбиркорлигини жорий этишга, "startup" лойиҳалар, ёшларнинг, аввало олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юритишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадларининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шаклларини жадал ривожлантиришга фаол кўмаклашиш.

г) **давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида** – давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари – қонунчилик, суд ва ижро этувчи ҳокимиятлар, шунингдек, банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашни мослашувчанлиги ва натижадорлигига хизмат қиладиган самарали ўзаро ҳамкорлик тизимини ва янги иш шаклларини жорий этиш, жумладан:

тадбиркорлик субъектлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишга кўмаклашиш, "тўғридан-тўғри ва қайта алоқа" тамойили бўйича ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва самарали механизмини яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш, ваколатли органларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ижро этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилиш;

вилоятлар марказлари, туманлар ва шаҳарларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, давлат хизматлари тақдим этувчи хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

д) тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида – тадбиркорлик тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини тубдан ошириш, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, ҳар бир туман ва шаҳарларда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш доимий курсларини қуйидаги усуллар орқали ташкил этиш:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари билан, жумладан, касб-ҳунар коллежлари негизида машғулотлардан бўш вақтларида, ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

марказ фаолиятининг йўналишлари бўйича халқаро молия институтлари, хорижий донорлар ва чет давлатларнинг тадбиркорларни ўқитиш бўйича муқобил марказлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

тадбиркорларга бизнес юритиш асослари, бизнес-режалар тузиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа зарур фанларга ўқитишни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

тадбиркорларга ходимларни танлаш ва ўқитишда, уларнинг касб малакасини доимий оширишда кўмаклашиш, ҳудудлар ва тадбиркорлик соҳаларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашга давлат буюртмаларини шакллантиришда иштирок этиш;

таълимни ташкил этиш учун олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари, амалиётчи-мутахассислар, юқори натижаларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш.

е) ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасида – республикамиз тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашуви, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлаш, миллий брендларни хорижда фаол илгари суриш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этиш, жумладан:

бизнес-форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва уларда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорлар, янги бозорларни излаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, экспорт турларини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ёрдам кўрсатиш;

ташкил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари, жумладан хорижий инвесторларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

мазкур вазифаларни амалга оширишда республикамизнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалари бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдаги ваколатхоналари билан фаол ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси белгиланган аниқ стратегик мақсадлар ва асосий вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминласин, Савдо-саноат палатаси Президиуми мажлисларида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мунтазам кўриб чиқсин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятининг стратегик мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни таъминласин.

(Давоми 2-бетда)

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Мамлакатимиз тез ривожланаётган, ўз истиқболини ўзига хос йўл билан яратаётган давлатлардан биридир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" бутун дунё экспертлари томонидан эътироф этилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичда давом эттирмоқда.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ МОДЕЛИ

Бу Ҳаракатлар стратегияси беш йилга мўлжалланган бўлиб, халқимиз ва давлатимиз ҳаётида янги даврни – тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Ундан мақсад битта – турмушимиз янада фаровон, мамлакатимиз янада қудратли бўлсин.

Халқ билан юзма-юз

Президентимиз таклифи билан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номланди. Одамларнинг мурожаатлари билан ишлашни яхшилаш, дарди-ўйи, орзуниятини тинглаш мақсадида Президентнинг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Бугун Ватанимизда ҳар бир кун инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя этиш, уларга қулай яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан ўтмоқда.

Президентимиз сайловолди учрашувларида одамларнинг фикри-ўйлари, ҳаётимиздаги мавжуд муаммолар, олис қишлоқларда яшаётган аҳоли турмуши билан қизиқди, улардан ҳол-аҳвол сўради.

Кейинги йилларда аҳоли ва ижтимоий тармоқларни, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашда узилишлар бўлаётгани, камчиликлар мавжудлиги аён бўлиб қолганди. Бу жойларда аҳоли билан бўлаётган очиқ мулоқотларда бот-бот тилга олина бошланди.

Давлатимиз раҳбари учрашувларида мамлакатимизда электр узатиш тизими эскирганлиги, бу тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва тамоман янгилаш вақти келганини таъкидлади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айланган эди. Қурилаётган янги намунавий уйлар аҳолига маъқул бўлаётган бўлса-да, уй-жой қуриш суръатлари аҳолининг табиий кўпайишига нисбатан анча ортда қолаётганди.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилиши натижасида ҳар бир оила муносиб яшаш шароитларига эга бўлади, аҳолининг уй-жой, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси тубдан ўзгаради.

Одамлар розилиги – энг муҳим масала

Ҳаракатлар стратегияси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа барча соҳаларни жадал ривожлантириш, маънавий дунёмизни тубдан юксалтиришни назарда тутади.

Бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан табиати мамлакатимиз шаҳар ва ҳудудларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Кичик шаҳарлардаги юзлаб ишлаб чиқариш объектлари турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатди. Минглаб ишчилар, мутахассислар ўз касби, турмуш тарзи, яшаш жойларини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларни манзилли ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва туманни мақсадли барқарор тараққий эттириш, бўш ётган саноат корхоналарига инвестициялар киритиб, уларга қайтадан жон бағишлаш, ишсизликни камайтириш, ялпи бандликни таъминлаш масаласи илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида эски турдаги хўжаликларнинг тугатилиши ва уларнинг ўрнига замонавий фермер хўжаликларининг ташкил этилиши муҳим тарихий воқеа бўлди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Истиқболли фермер хўжаликлари ташкил этилди. Натижада илгари 1000 гектар ерда банд бўлиб келган 1500-2000 одам ўрнига фермер хўжалигининг 50-100 аъзоси бемалол олдингидан даражадан кам бўлмаган, балки кўпроқ маҳсулот тайёрлай бошлади. Минглаб одамлар деҳқончилик, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Аммо айрим ёшлар стихияли тарзда хориж давлатларига иш излаб кетишни маъқул кўрди. Бунинг оқибатида улар тили, дини, маънавияти ва сиёсати ўзгача бўлган муҳитга тушиб қолди.

Ҳаракатлар стратегиясида ана шундай ижтимоий асоратларни бартараф этиш, қишлоқ ҳаётини нормал изга тушириш, бандликни таъминлаш, чет элга мақсадсиз кетиб қолган ёшларни Ватанга қайтариш ва улар учун муносиб ҳаёт ва фаолият тарзини яратиш вазифалари кўйилган.

Шу кунларда мамлакатимизда юритилаётган тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлашга оид давлат сиёсатининг замирида одамларнинг бандлиги, шу асосда халқимиз фаровонлигига эришиш турибди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг йўналишларига мосдир.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Наманганда "Электрон ҳукумат" тизими доирасида жорий этилган "Лицензия" ахборот тизимлари комплексида ишлаш масаласига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

• "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичида 13 маслаҳатчи иштирок этди. Иштирокчилар ўз ҳудудида олиб бораётган фаолияти, эришган ютуқларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этди.

• Сурхондарё вилоятида турар-жойга эҳтиёжманд ва меҳнатга лаёқатсиз бир гуруҳ ногирон хотин-қизларга замонавий тикув машиналари топширилди. Бундай эътибор уй-жойга муҳтож ногирон хотин-қизларни руҳлантириб, уларнинг ўз кучига, эртанги кунига ишончини мустаҳкамламоқда.

• Андижонда "XXI аср аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" лойиҳаси доирасида партия аъзоси бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсий етакчиларни шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган танловда 16 аёл иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Францияда бўлиб ўтган парламент сайловларининг ҳал қилувчи босқичида мамлакат президенти Мануэль Макрон етакчилигидаги партия ғалаба қозониб, парламентдаги ўринларнинг ярмидан кўпроғини – 308 тасини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Франциядаги бу йилги парламент сайловларининг ўзига хос томони шундан иборат бўлдики, аёл депутатлар парламент аъзоларининг деярли ярмисини ташкил этмоқда.

• Мали пойтахти Бамако шаҳрида жойлашган курорт мажмуасига жангарилар гуруҳи ҳужум уюштириб, бу ерда ҳордиқ чиқараётган европалик сайёҳларни гаровга олди. Ҳарбийлар томонидан уюштирилган махсус операция чоғида 32 нафар гаровга олинганлар озод қилинди, икки киши ҳаётдан кўз юмди.

• Португалиянинг марказий қисмида рўй берган кучли ўрмон ёнғинлари катта талафотларни келтириб чиқарди. Жумладан, табиий офат натижасида 62 киши ҳалок бўлди, 54 нафар одам жароҳатланди. Ҳозирда 600 нафар ўт ўчирувчи ва 200 га яқин техника воситалари ёрдамида ёнғинни жиловлашга ҳаракат қилинмоқда. Табиий офат қурбонлари хотирасига мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

БИЗНЕСНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси муассисларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг қурултойи олий бошқарув органи ҳисобланади ва у ҳар тўрт йилда камида бир марта йиғилади;

қурултойлар орасида палатанинг бошқарув органи қурултой делегатлари томонидан сайланадиган 25 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Президиуми ҳисобланади;

палатанинг ижро этувчи органи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитаси ҳисобланиб, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Президиумига бевосита ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президетининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси съездининг делегатлари томонидан сайланади;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Президиуми раиси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитаси ишини бошқаради;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари лавозимларига Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Президиуми томонидан тайинланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларга ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш масалалари бўйича таклифлар тақдим этиш;

эксперт кенгашларини ташкил этиш, шунингдек, ваколатли давлат органларига қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ноаниқликлар ва турлича ёндашувларни бартараф этиш бўйича мажбурий жавоб талаб этиладиган ёзма сўровномаларни тақдим этиш;

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларга бизнес ривожланишига тўсқинлик қилаётган ва чеклаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш;

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланадиган тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширувларнинг муддатлари ва сонини белгилашда, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бевосита уларнинг фаолияти текширувларида иштирок этиш, шунингдек, текширувларнинг натижаси бўйича қабул қилинган назорат органларининг қарорларига норозилик билдириш;

тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги низоларни тартибга солишни таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг ваколатли шахсларидан зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

жиноий ишлар бўйича амалиётда жамоат ҳимоячилари сифатида иштирок этиш;

давлат органларининг ваколатли шахслари қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятлар бўйича тадбиркорлик субъектлари номидан суд жараёнининг исталган босқичида иштирок этиш, шунингдек, шикоят аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, жумладан назорат тартибида рад этиш тўғрисидаги хатларни тақдим этиш;

давлат активларини хусусийлаштириш, жумладан давлат мулки объектларини "ноль"га тенг харид қиймати бўйича сотиш, шунингдек, давлат органлари ва давлат хизматларининг айрим функцияларини хусусий секторга бериш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ўзининг таркибида белгиланган тартибда таълим муассасаларини ташкил этиш.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги хулосани бериш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилиши зарур;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига мутлақо ёки маълум қисмига қарши бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлайдиган қонунчилик ва ижро этиш ҳокимияти органларига ўз хулосаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга;

тадбиркорлик фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилувчи ёки чекловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш зарурияти тўғрисида тақдим этилган тавсиялар ва мажбурий жавобни талаб қиладиган ёзма мурожаатлар қонунда белгиланган муддатда мажбурий равишда кўриб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида асосланган хулосалар тақдим этилиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакиллари мажбурий тартибда давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик маслаҳат кенгашларининг таркибига киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси таркибида вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари билан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида "ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар билан қўшма жойлаштириш тамойили асосида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилсин.

7. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

зарур шарт-шароитларни яратиш ва бир жойнинг ўзида кенг кўламли давлат органлари ҳамда бозор инфратузилмаси субъектларининг хизматлари, бизнес-хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ахборот таъминоти, давлат хизматларидан фойдаланишда (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш ва бошқа ҳужжатлар) кўмак бериш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек, лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

молиявий, товар-хомашё ва табиий ресурслар, технологик машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер майдонларидан фойдаланишда кўмаклашиш;

соликқа тортилиш, ишчилар ёллаш, статистика, молия, солиқ ва бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бино ва жойларни ижарага олиш, давлат мулки объектларини "ноль" қийматида харид қилишда маслаҳатлар бериш;

халқаро стандартлар ва сертификация тизимини жорий этишда, жумладан ташқи савдо ҳамкорлар билан кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ёрдам бериш;

тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича бозор инфратузилмаси субъектлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан икки томонлама ва кўп томонлама музокараларни ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2017 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда "бевосита ва қайта алоқа" тамойили бўйича амалий ва самарали ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш мақсадида, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда таклифларини муҳокама қилиш бўйича махсус портални ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил қилиш амалиётига қуйидагилар татбиқ этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг иқтисодий фаолиятнинг муаммоли масалаларини муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш бўйича тадбиркорларнинг таклифларини, шунингдек, янги бизнес-ғоялар ва лойиҳалар амалга оширилишини муҳокама қилиш учун тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари билан ҳамкорликда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ходимларининг ҳисоботларини, шунингдек, депутатларнинг сайёр қабулларини ташкил этиш;

ҳар йили бизнес-ҳамжамият, минтақавий ва халқаро бизнес вакилларининг Иқтисодий форумини ўтказиш, унинг мақсади сифатида бизнес доиралар, илмий ҳамжамият, Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсин.

11. Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни тақдим этсин:

мазкур Фармондан келиб чиқиб, қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифлар;

янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси таркибида хорижий инвесторлар, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофаза қилишини таъминлаш бўйича халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 19 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "БИЗНЕСНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлиб, улар республикамиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда.

Шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шаклларини жадал ривожлантиришга доир кўмаклашиш.

г) давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида – давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари – қонунчилик, суд ва ижро ҳокимиятлари, шунингдек, банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигига хизмат қиладиган тизимнинг янги шаклларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишга кўмаклашиш, "тўғридан-тўғри ва қайта алоқа" тамойили бўйича ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва самарали механизмини яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш, ваколатли органларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ижро этилиши мониторинги ва таҳлилини олиб бориш;

вилоятлар марказлари, туманлар ва шаҳарларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, давлат хизматлари тақдим этувчи хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

д) тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида – тадбиркорлик тузилмалари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини тубдан ошириш, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, ҳар бир туман ва шаҳарларда қуйидаги усуллар орқали кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш доимий курсларини ташкил этиш:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари билан касб-ҳунар колежлари негизида машғулотлардан бўш вақтларда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

марказ фаолиятининг йўналишлари бўйича халқаро молия институтлари, хорижий донорлар ва чет давлатларнинг тадбиркорларни ўқитиш бўйича мувофиқ марказлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

тадбиркорларга бизнес юритиш асослари, бизнес-режалар тузиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа зарур фанларга ўқитишни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

ходимларни танлаш ва ўқитишда, уларнинг профессионал малакасини доимий оширишда тадбиркорларга яқиндан кўмаклашиш, ҳудудлар ва тадбиркорлик соҳаларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантиришда иштирок этиш;

таълимни ташкил этиш учун олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари, амалиётчи-мутахассислар, юқори натижаларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш.

е) ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасида – мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашуви, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлаш, миллий брендларни хорижда фаол илгари суриш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этиш;

бизнес-форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва уларда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорлар, янги бозорларни излаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтириш, экспорт турларини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, уларга ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ёрдам кўрсатиш;

ташкил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвесторларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

ушбу муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдаги ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

Давлатимиз раҳбарининг "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги хулосани бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Яъни, тадбиркорлик соҳасидаги барча лойиҳалар мажбурий равишда Савдо-саноат палатаси билан келишилиши зарур.

Назорат органлари томонидан режалаштирилган текширувлар ҳақида аввалдан Савдо-саноат палатасига тегишли равишда берилиши, шунингдек, давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоат маслаҳат кенгашлари таркибига Савдо-саноат палатаси вакилларининг киритилиши тартиби жорий этилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бизнес-ҳамжамияти билан давлат органлари ўртасида мулоқот қилишнинг самарали механизмини йўлга қўйиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Фармонда Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ҳамкорликда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ходимларининг ҳисоботларини тинглаш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан муаммоли масалаларни, бизнес-ғояларни ҳамда лойиҳаларни муҳокама қилиш бўйича тизимли асосда учрашувлар ўтказиш, бизнес доиралар, илмий ҳамжамият, Ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги мулоқотларга кўмаклашиш мақсадида ҳар йили бизнес-ҳамжамият, минтақавий ва халқаро бизнес вакилларининг Иқтисодий форумини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси олдига қўйилган вазифаларни ҳамда берилган қўшимча ҳуқуқ ва ваколатларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш мақсадида Фармон ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда Савдо-саноат палатасининг ташкилий-бошқарув тузилмасини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

Хусусан, Тадбиркорликка кўмаклашиш марказларининг ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, улар давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектларининг хизматлари, бизнес-хизматлардан бир жойда фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш ва имкониятларни тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бунда ташкил қилинаётган Марказларнинг тадбиркорларга "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизмати кўрсатиш субъектлари билан, шунингдек, банк, лизинг, суғурта, аудиторлик, баҳолаш, риэлторлик компаниялар ва бошқалар каби бозор инфратузилмаси субъектлари билан узвий алоқалар ташкил қилиш назарда тутилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида уларнинг шаҳар ва туманларда бўлинмалари билан Марказлар ташкил этилади.

Шу билан бирга, хорижий инвесторлар, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида Савдо-саноат палатаси таркибида Халқаро арбитраж судини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Қабул қилинган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазаси кафолатлари кучайишини таъминлаш, бизнесни ташкил этиш ва юритишда ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, сифатли давлат хизматларини тақдим этиш, шунингдек, бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалаларини бўйича тадбиркорлар билан ахборот алмашинувининг самарали усулини жорий этиш имконини беради ва мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кенг жалб қилиниши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга чиқишига хизмат қилади.

б) ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида – тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтиришга кенг жалб қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга фаол жалб қилиш, тадбиркорлик тузилмалари билан биргаликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини, жумладан, саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳалар бўйича эксперт кенгашларини ташкил этиш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика туманлари (шаҳарлари), вилоятлари кесимида жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳамда қонунчиликдаги меъёрлар ва талабларнинг амалга оширилиши натижалари бўйича ҳар чоракда таҳлил ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга уларни яхшилаш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифларни тақдим этиш.

в) тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида – тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектлари хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ва шароитларини тақдим этиш, маслаҳат ёрдами ва ахборот таъминотини тақдим этишда қуйидагилар орқали кўмаклашиш:

янгидан фаолият бошлаётган тадбиркорларни жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар яратиш ва фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларга бизнес-режаларни тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва амалий масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

тадбиркорларнинг инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олишга кўмаклашишини таъминлаш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, улар фаолияти бўйича текширувлар ўтказилганида тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатиш;

молиявий ва товар-хомашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, технологик машиналар ва қурилмалар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер участкаларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Савдо-саноат палатаси аъзолари ва ҳамкорлари иштирокида жамоатчилик асосида қўмиталар, ишбилармонлик ва мувофиқлаштириш кенгашларини ташкил этиш;

инновация тадбиркорлигини жорий этишга, "startup" лойиҳалар, ёшларнинг, аввалambor олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юритишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадларининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шаклларини жадал ривожлантиришга доир кўмаклашиш.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ МОДЕЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирги даврдаги жадал тараққиёт тенденциялари мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда инсоннинг интеллектуал омилига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантирди. Ватанимизнинг барқарор тараққиёти учун мавжуд интеллектуал салоҳиятни самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилатларини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Инсоннинг шахсий масъулият, ташаббускорлик ҳамда фидойилик фазилатлари Ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади. Шу боисдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев "ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади", деб алоҳида қайд этди.

Ҳаракатлар стратегияси нафақат ташқи инвестицион сиёсатни фаоллаштириш, балки инсон ички имкониятларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш ишларига алоҳида эътибор қаратади. "Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар қандай фуқарога ўзининг куч ва имконияти, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг шароит ва имконият яратиб беришимиз зарур", деб таъкидлади Президентимиз.

Янги давр хусусиятлари

Бугун тараққиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари микроиқтисодий натижалар ҳамда жамият турмуш тарзи билан мослашмоқда. Одамларнинг орзулари уларнинг имкониятларига мос бўлмоқда. Арзон уй-жойлар, тиббий, фармацевтик, ижтимоий хизматлар тизими шакллантирилмоқда.

Давлат тузилмалари фаолиятининг иш услублари тубдан ўзгартирилмоқда. Аҳолида давлатга бўлган ишонч руҳи кескин юксалди. Одамлар ислоҳотларга, ўзгаришларга ўз хайрихоҳлигини очиқ ифодаламоқда. Кўпчилик телевидениедаги ахборот дастурларини кутадиган, Ватанимиз эришаётган натижаларни бошқа давлатлар билан таққослайдиган, ўзаро суҳбатларда "Президентимиз тўғри қиляпти", "Адолатли иш бўляпти", "Шундай бўлиши керак эди" қабилидаги иборалларни тез-тез айтадиган бўлди.

Барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш дастурларини тузишда реал ресурслар, аниқ омилларга асосланилмоқда. Реал иқтисодиётни таркиб топтириш, пул-молия муносабатларининг самарали тизимини яратиш, иқтисодий ҳисоботларда ҳаққонийликка асосланган ёндашув қарор топтирилмоқда.

Бошқарув тизимида инсоний ёндашув устувор талабга айланмоқда. Халқ билан мулоқот тизими, хонадонма-хонадон юриб одамларнинг муаммоларини ечиш, ҳамкорлик ва реал кўмак таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Соҳаларни ривожлантиришда маърифат омилига таяниш тенденцияси амал қила бошлади. Банк маърифати, фермер маърифати, тадбиркор маърифати каби иборалар таомилга киритилди.

Қишлоқни ривожлантириш, уни индустрлаштириш ва ҳар бир ҳудудда хизмат соҳаларини ташкил этиш сиёсати кенг кўламда тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Одамларда ҳаётини ўзи фаровон қила олишга рағбат, жамият ва Ватан истиқболига ишонч, ўз иқболини Ватан равнақи билан боғлаш ҳаракати янада кучайди.

Давлат ва жамият манфаатлари йўлида идора ва муассасалар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг кенг ёйилиши кузатилмоқда. Прокурор ва тадбиркор, фермер ва турли хизмат соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайди. Президентимиз ана шундай ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади: "Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор".

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мутлақо янги тизимни ҳаётга жорий этиш амалиётининг зарурати илмий ва ҳуқуқий асосланди. Фермернинг ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ҳамда маҳсулотларни сота олувчи, саноат корхоналарининг, хусусан, енгил саноатнинг хомашёни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи мақомда бўлиши белгиланди.

Тарихни яратувчи куч халқдир. Тарих халқ ва унинг фаол, фидойи вакилларининг меҳнати, саъй-ҳаракатлари, уларнинг шу йўлда бағишланган умри натижасида яратилади. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясининг назарий асоси ҳам халққа, унинг манфаатларига бориб тақалади.

Ўзбекистон меҳр-оқибатни, эзгуликни, бунёдкорликни ҳурмат қилувчи мамлакат. Ҳаракатлар стратегиясининг назарий асоси ҳам давлатимизнинг мана шу устувор сиёсатини ифода этади.

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори,
профессор

Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Ривожланишнинг Ҳаракатлар стратегияси: амалиёт, самара ва истиқбол" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини тубдан юксалтиришга ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди.

Семинарда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2016 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилнинг ўтган беш ойи давомидаги фаолияти натижалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2016 йилда молиялаштирилган давлат грантлари асосида амалга оширилган лойиҳалар, жорий йилда эълон қилинган танловлар йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг низом талаблари доирасида фаолият юритиши, белгиланган вазифаларни бажариши, қўлга киритилган давлат гранти маблағларини мақсадли сарфлаши зарурлиги уқтирилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ўтказган давлат гранти 1- ва 2-танловлари ғолибларига сертификатлар топширилди.

– Танловда "Ўзбекистонда ҳавода сузиш спорти ва учишни ривожлантириш" деб номланган лойиҳамиз билан иштирок этиб, давлат грантига сазовор бўлдик, – дейди Ўзбекистон аэронавтика федерацияси раҳбари Тоҳиржон Солиев. – Лойиҳамиз нафақат ҳаво шарида саёҳатни ташкил этиш, балки аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, мамлакатда экотуризмни ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Семинар доирасида грант танловларда иштирок этиш шартлари ва талаблари, грант лойиҳаларини тайёрлаш, ҳисоботларни тақдим этиш масалалари юзасидан маҳорат дарслари ўтилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг муҳимлиги хусусида маърузалар тингланди.

Икром АВВАЛБОЕВ



ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ МАСЛАҲАТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ҳар йили "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан бир қатор вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи "Туркистон" саройида ўтказилди.

Пойтахтимиздаги ўзини ўзи бошқариш органларида бой ҳаётий тажриба ва обрўга эга диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб, уларнинг жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги иштироки тобора кенгайиб бораётганини таъкидлаш ўринли.

Мазкур танловни ташкил этишдан кўзланган мақсад маслаҳатчилар томонидан ўз зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборатдир.

Шаҳримиздаги 505 та маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, она юртга муҳаббат, эътиқолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида 4235 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Йигит ва қизларнинг касб-ҳунарга, ўз фикрига эга бўлиши, ҳаётни англаши, келгусида уларнинг ижтимоий ҳаётда муносиб ўринни эгаллашига кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда "Оилавий қадриятлар", "Оила ва саломатлик", "Оила ва никоҳ муқаддас" каби мавзуларда таълим муассасалари билан ҳамкорликда тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Бундан ташқари, ёш оилаларнинг ажралиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот-тушунтириш ишларининг олиб борилгани, маҳаллалардаги "Ота-оналар университетлари" томонидан ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига доир ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш бўйича тадбир ўтказишга кўмаклашилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Танловнинг шаҳар босқичида туман ва шаҳарлардан 1-ўринга сазовор бўлган 11 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари 3 та шарт асосида ўзаро беллашдилар.

Дастлаб танлов иштирокчилари ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар тақдимотини намойиш этди. Иш фаолиятига оид турли масалалар юзасидан билими, соҳага оид қонун ҳужжатларидан хабардорлиги синовдан ўтказилди. Иккинчи шартда маслаҳатчилар фаолиятида учраётган турли масалалар, муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан иштирокчиларнинг билим савияси, дунёқараши савол-жавоб асосида баҳоланди. Жумладан, фуқаролар йиғинлари ва йиғин органларининг ишини самарали ташкил этиш, жамоатчилик назоратини таъминлаш, "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, "Ота-оналар университети" машғулотлари таъсирчанлигини ошириш кабилар бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Танловнинг учинчи шартида маслаҳатчилар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли билан самарали мулоқот олиб бориш бўйича ўзларининг нотиқлик санъатини намоён этишлари учун имконият берилди.

– Бугунги кунда маҳалла институтининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. – Фуқаролар йиғинларида ташкил этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимида бугунги кунда бой ҳаётий тажрибага эга, аҳолига, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ҳамда фаол хотин-қизларнинг фаолият кўрсатаётгани ўз самарасини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, маслаҳатчиларнинг фаоллиги, аввало, маҳаллада оилалар мустаҳкамлиги, тотувликни йўлга қўйганлиги, аҳоли ва ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдирганлиги ҳамда бошқа ибратли миллий қадриятларни тиклашда ўз ифодасини топади.

Тадбир давомида фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид кўргазмалар, шунингдек, ҳудудда фаолият юритаётган оилавий тадбиркор ва ҳунармандлар ишларининг кўргазмаси намойиш этилди.

Иштирокчилар ва маҳалла фаоллари оилалар тинчлиги, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Танловнинг барча шартларида юқори ўринларни қўлга киритган маслаҳатчилар махсус диплом ва "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг қимматбаҳо совғалари билан, номинациялар бўйича ғолиблар ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тошкент шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллаган Сергели тумани "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муҳаббат Жамолиддинова танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Тадбир давомида санъаткорлар ҳамда болалар рақс дасталарининг чиқишлари кечага байрамона шукуҳ бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА



Шу кунларда жойларда ўрта махсус таълим битирувчиларига диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири 2-Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтди. Мазкур йили ушбу коллежни 1092 нафар ўқувчи битирмоқда.

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тантанали тадбирда сўзга чиққан коллеж директори А. Ҳасанов ва бошқалар мамлакатимизда ўқувчи ёшлар учун яратилган шароитлар ҳақида гапириб, битирувчиларни келгуси ҳаётларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилади.

Дарҳақиқат, уч йил давомида ўқувчилар ўз мутахассисликлари бўйича тегишли билим ва кўникмага эга бўлдилар. Коллеж битирувчилари спорт соҳасида, фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда юқори натижаларни қўлга киритдилар. Ана шундай фаол ўқувчиларга коллеж раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Улар орасида А. Нормуродов, А. Алихонов, С. Убайдуллаев, С. Норхўжаев, М. Абдумўминова, Б. Аҳмедов, Й. Холматов, М. Юнусова каби ўқувчиларни кўриш мумкин.

– Бугун менинг ҳаётимда жуда қувончли кун, – дейди коллеж битирувчиси Исломбек Холматов. – Ушбу даргоҳда 3 йил таҳсил олдим, бунинг учун ўқитувчилар жамоасига, коллеж раҳбариятига чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ўзим Андижон вилоятининг Асака туманидан келганман. Коллежда жуда кўплаб билимларни ўргандим.

– Айни дамда ҳаяжонимни яшира олмаяпман, – дейди яна бир битирувчи Лобар Абдуқодирова. – Коллежни битириб Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кирмоқчиман. Ҳаётда орзуларим кўп. Энг муҳими, келгусида Ўзбекистонимиз равнақи учун хизмат қиладиган мутахассис бўлиб етишиш...

– Бугун катта ҳаётга қадам қўяр эканман, юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътиборни алоҳида таъкидлагим келади, – дейди М. Юнусова. – Шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишимни маълум қилмоқчиман. Бунинг учун менга ёрдам берган коллежимиз раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдираман.

Битирувчиларга дипломлар тантанали суратда топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан жойларда амалга оширилиб келинаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилаш ва ўқувчи-талабалар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшлар орасида маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва назоратсизликнинг олдини олиш, ижтимоий хавфли муҳитда тарбияланаётган болаларнинг маънавий дунёқарашини янада шакллантириш юзасидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилиб келинаётганлиги таъкидланди.

Жумладан, жорий йилнинг январь-май ойлари давомида "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда туман Кенгашлари билан таълим муассасаларида "Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" мавзусида 215 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларга 23 931 нафар ёшлар жалб этилди.

Бундан ташқари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда психологлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги 220 та маҳаллада тарғибот ишлари, 23 та маҳалладаларда ёшлар иштирокида психологик тренинглар ташкил этилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашлар томонидан 2017 йилнинг биргина май ойи давомида 692 маротаба компьютер ва интернет клубларида рейдлар ўтказилди.

Бунга кўра, компьютер клубларида халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олувчи вояга етмаганларнинг дарс вақтларида соат 10:00дан 16:00га қадар компьютер ва интернет клубларида турли шафқатсизлик ғояларини тарғиб этувчи ўйинлар билан машғул бўлиб ўтирган ҳолатлари юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари ва ҳокимиятнинг мутасадди вакиллари билан тегишли чоралар кўриб келинмоқда. Тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз юрган вояга етмаганлар билан ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашлар томонидан 164 маротаба ўтказилган рейд мобайнида таълим муассасаларидаги аксарият ҳолларда дарсга қатнашмай келаётган 280 нафардан ортиқ, мунтазам қатнашмаётган 52 нафар ўқувчилар аниқланди. Бугунги кунда мазкур ўқувчиларни дарс машғулотларига қайтариш ва "Камолот" ЁИҲ туман Кенгашлари қошида ташкил этилган ёшлар ижтимоий хизматлари марказларига жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари вояга етмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси, Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссия билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлар миқёсида 26 марта профилактика тадбирлари, давра суҳбатлари ва тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларга 2840 нафар ўқувчи-ёшлар ва тарбияси оғир вояга етмаганлар жалб этилди.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан жорий йилнинг январь-май ойлари давомида жами 1680 марта турли ўрганишлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, тарғибот лойиҳалари ва учрашувлар ташкил этилиб, уларга 29 500 нафардан ортиқ вояга етмаганлар ва ёшлар жалб этилди.

Йиғилишда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси, туман ҳокимликлари, "Камолот" ЁИҲнинг Тошкент шаҳар Кенгаши бошқаруви билан ҳамкорликда шаҳар таълим муассасалари қошида ташкил этилаётган кундузги ёзги оромгоҳларга вояга етмаганларни кенг жалб қилиш, таълим жараёни давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиши, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши ҳамда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш, уларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, таълим муассасаларида давоматни таъминлаб, сабабсиз дарсга келмаётган ўқувчилар ҳақида зудлик билан уларнинг ота-оналарига ҳамда ҳудуддаги ички ишлар органларига хабар берилиши йўлга қўйилиб, бу борадаги масъулиятни янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, маҳаллаларда истиқомат қилувчи нотинч ва ноқобил оила фарзандлари билан якка тартибда суҳбатлар олиб бориш ва мавжуд муаммоларни жойида бартараф этиш чораларини кўриш, диний экстремистик оқимга мойиллиги бўлган оила фарзандлари ва тўлиқсиз оилада тарбияланаётган вояга етмаганларга оид ижтимоий масалаларни чуқур таҳлил этиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини яхшилаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ва иш самарадорлигига таъсир этаётган омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш белгиланди.

(Ўз мухбиримиз)

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!


Аукцион савдосига "ВОСТОК" ИИЧБ ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 128-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Нексия" русумли, давлат рақами 01/331 МАА, 2003 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 18 293 000 сўм. 2. "Дамас" русумли д/р 01/346 МАА, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 11 856 000 сўм. 3. "Газ-2410" русумли, давлат рақами 01/324 МАА, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 2 645 000 сўм. 4. "Газ-5204" русумли, давлат рақами 01/340 МАА, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 5 212 000 сўм. 5. "Зил КС2561" русумли, давлат рақами 01/336МАА, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 42 151 000 сўм. 6. "КАВЗ-3271" русумли, давлат рақами 01/341 МАА, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 4 142 000 сўм. 7. "КАМАЗ-53212" русумли, давлат рақами 01/233МАА, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 29 783 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 24 июль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 21 июль куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР. 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.





"Ёзни "Камалак" билан"

БАРКАМОЛ АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

"Ёшлик" шаҳарчаси ҳудудида 9 та маҳалла жойлашган бўлиб, "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш, бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай хайрли мақсадларга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлардан бири Тошкент маданият коллежида "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида "Камолот – орзуларга қанот!" мавзуида ўтказилди. Тадбирда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 200 нафар маҳалла ёшлари ҳамда меҳмонлар иштирок этишди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўғил-қизларнинг ёзги таътил вақтида бўш вақтини унумли ўтказиш, уларни ўз хоҳишига кўра турли ҳунарга йўналтириш мақсадида барча маҳаллада "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида "Спорт – саломатлик гарови" деб номланган маҳаллалараро спорт мусобақалари ўтказилиши ҳамда маҳалла ёшларининг шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларига ташрифлари уюштирилиши режалаштирилган.

Тадбир дастуридан "Университет" маҳалласи қизлари иштирокидаги рақс ва қўшиқлар, йигитларнинг "Қувноқлар ва зукколар" томошаси ҳамда болажонлар иштирок этган турли хилдаги ўйинлар ва бошқотирмалар ўрин олди. Асосийси мазкур кўнгилочар дастурлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Бадиий-мусиқий чиқишлар ҳам йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Тадбир сўнгида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонлар "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўйлаймизки, ўтказилаётган бу каби тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил вақтининг мароқли ўтишига хизмат қилади.

Гўзал РАСУЛОВА,
ЎзМУ талабаси

Спорт янгиликлари

ҲАМЮРТИМИЗ КУБОК СОҲИБИГА АЙЛАНДИ

Хитойнинг Гуанжчоу шаҳрида ташкил этилган профессионал жанг кечасида ўзбекистонлик спортчи Фурқатбек Ёқубов ўз маҳоратини намойиш қилиб мусобақа ғолибига айланди.

Кикбоксинг спорт турининг "К1" йўналиши бўйича ўтказилган "China Super Cup" турнири бош совриниучун кечган қарама-қаршиликда 65 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилган Фурқатбек Ёқубов мезбонлар вакили Ли Фенгни мағлуб этди.

Эслатиб ўтамиз, наманганлик спортчи ўтган йили аралаш турдаги яккакурашлар бўйича жаҳон чемпиони бўлган эди. Шунингдек, Ёқубов кикбоксинг бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони, пенчак-силат бўйича олти карра мамлакат чемпиони, қўл жанги бўйича республика чемпиони, кикбоксинг бўйича Ўзбекистон кубогининг олти карра чемпионидир.

УЧРАШУВ "ШЎРТАН" СТАДИОНИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати Олий лига 14-туридан ўрин олган "Машъал" (Муборак) – "Нефтчи" (Фарғона) учрашуви 19 июнь куни Ғузор шаҳридаги "Шўртан" стадионида бўлиб ўтади.

Мубораkдаги Баҳром Вафоев номидаги стадионда таъмирлаш ва реконструкция ишлари давом этаётгани сабабли шундай тўхтамга келинди.

Маълумки, Қаршининг "Насаф" жамоасига тегишли "Марказий" стадионида реконструкция ишлари олиб борилганлиги боис қаршиликлар биринчи даврада учрашувларини айнан "Шўртан" стадионида ўтказиб келаётган эди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЧОРШАНБА – ЁНҒИН ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларимиз томонидан аҳоли турар жойларида газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ёки ёниқ ҳолатда қолиб кетиши, сигарета чекиб ухлаб қолиши, назоратсиз қолган болаларнинг шўхлиги, очиқ алангадан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлмоқда.

Айниқса ёзнинг жазирама иссиқ кунларида аҳоли томонидан бетартиб ташланган маиший чиқиндилар ва қуруқ ўтларнинг ёқиб юборилиши натижасида ёнғинлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, 2017 йилнинг биргина 8 июнь куни 13 та ёнғин содир бўлиб, улардан 11 таси қуруқ ўт ва шох-шаббаларнинг ёниб кетиши натижасида келиб чиққан.

Мазкур мисолларга қўшиб, пойтахтимиз ҳудудида ўтган давр мобайнида содир бўлган ёнғинлар таҳлилини ҳам келтирсак. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида 419 та ёнғин содир бўлиб, натижада 8 инсон ҳалок бўлган ва 29 таси турли даражадаги тан жароҳати олган. Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида – 195 та, транспорт воситаларида – 40 тани ташкил этади.

Ёнғин тасодифий ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий ҳолат эмас, балки у кимнингдир айби билан юзага келувчи бахтсиз ҳодиса. Ана шу бахтсизликнинг олдини олиш эса ҳар биримизнинг қўлимизда эканлигини фуқароларимиз унутмаслиги, ўз яшаш ва иш жойида ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини сўзсиз бажариши зарур. Ана шунда ёнғин ҳодисаси келиб чиқмайди ва ёнғинларнинг олди олинган, фуқароларнинг осойишта турмуш тарзи таъминланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги Қарорига асосан, ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Ёнғин профилактикаси куни" деб эълон қилинганлиги аҳоли ўртасида янада тарғиботни кучайтириш, шу билан ёнғинлар сонини камайтириш, уларда ҳалок бўлиш ва тан жароҳати олишларига йўл қўймасликка йўналтиради.

Қонун-қоидани билмаслик айб эмас, балки уни билишга интилмаслик, ҳуқуқий онгни шакллантирмаслик, ҳуқуқий билимни оширмаслик ва қоидаларга амал қилмаслик айбдир. Ҳар чоршанба кунлари ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг барчаси аҳоли ўртасида профилактика ишларини кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишдан иборатдир.

Халқимизда огоҳлик, ҳушёрлик хавфсизликка кафолат, деб бежиз айтилмайди. Эҳтиётсизлик, эътиборсизлик кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлишини юқоридаги мисоллардан кўриш мумкин. Бепарволик ва лоқайдлик сабабли келиб чиқаётган ҳар бир ёнғин инсонларнинг ҳаётига, уларнинг яқинларига хавф-хатар солиши ва кўп машаққатлар эвазига бунёд этилган уй-жойларини, йиллаб йиққан молу мулкларининг бир зумда ёниб кетишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доимо турар жой бинолари атрофларини ўз вақтида тозаланг ва озода тутинг. Ахлат ва маиший чиқиндиларни махсус ажратилган жойга ташланг. Газ ва электр ускуналарини қоидаларга риоя қилган ҳолатда ишлатинг. Фарзандларингизни ёлғиз назоратсиз қолдирманг! Уйингиздан чиқиб кетаётиб барча газ, электр ускуналарини текширинг ва ўчиришни унутманг!

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, капитан

Қилмиш – қидирмиш

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...

Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантиришга, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга катта шароит ва имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", деб белгилаб қўйилган. Лекин орамизда нотўғри босилган қадам албатта, жарликка қулатиши, бебаҳо неъматдан бебаҳра қолиш мумкинлигини унутиб қўядиган инсонлар ҳам топилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги низомга кўра, диний адабиётларни олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита рухсати билан амалга оширилади.

Қўмита экспертлари мамлакатимизга олиб кирилаётган диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқади, уларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш юзасидан хулосаларини беради.

Шундай бўлса-да, мазкур тартибларга риоя қилмай, турли диний мазмундаги адабиётларни ноқонуний равишда мамлакатимизга олиб киришга уриниш ҳолатлари учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл чегара божхона поста ходимлари томонидан "Москва–Тошкент" халқаро йўналишидаги поезднинг йўловчиси Н.Муродга тегишли юклар божхона назоратидан ўтказилганида, у томонидан тўлдирилган йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг огзаки сўровида тақдим қилинмаган ноутбук хотирасида 189 та диний мазмундаги аудио маърузалар борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг экспертиза хулосасига кўра ушбу маърузалар ақидапарастликни тарғиб қилувчи материал бўлиб ҳисобланиши маълум бўлди.

Фуқаро Н.Муроднинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлигини инобатга олиб, мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг қарорига кўра, ушбу шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Халқимиз юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик бардавом бўлишини истайди. Дунёнинг турли ерларида юз бераётган воқеаларнинг аянчли ҳолати ҳақида тасаввур қилиб кўринг. Одамлар, ёнгинамизда минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётгани, шаҳарлар вайрон бўлаётганини унутмаслик, жаннатмакон юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш ва асраб-авайлаш зарур. Шу ўринда айтиш жоизки тинчлик-осойишталик ҳукм суришини таъминлаш учун барчамиз огоҳ бўлишимиз лозим.

А.ТАДЖИБАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги Тошкент телекоммуникация техникалари касб-ҳунар коллежининг директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига малака талаблари: ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. Меҳнат дафтарчаси (нусхаси тасдиқланган шаклда);
6. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7. Паспорт (нусхаси);
8. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
9. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй

Тел: 252-23-35.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ал-Хоразмий филиали биносининг ташқи деворлари, йўлаклари, Блок А, Б қисмларидаги таъмирлаш ишлари ва филиал биносида ўрнатилган электр тармоқ жиҳозларини замонавий ёритиш жиҳозларига алмаштириш бўйича пудратчи ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уй.

Телефонлар: 270-02-18, 270-02-31.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида ёпиқ конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 25 мартда №03197-09 сони билан рўйхатдан ўтган "Xumoyunxon biznes" хусусий корхонаси (ИНН301113522) таъсисчининг 07.06.2017 йилдаги №1 қарорга асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон: +99893 389-68-84 рақами орқали қабул қилинади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 2008 йилда Алимова Кундуз Сабитжановна номига берилган №291241 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТошДавТИ шифохоналари тиббиёт билим юрти томонидан 1997 йилда Рихсибаева Наргиса Тайировна номига берилган №008824 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2014 йилда Абдумажидов Абдураззоқ Абдували ўғли номига берилган КN№3541727 сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Офтальмология, болалар офтальмологияси кафедрасининг мудири Ботир Тулкунович Бузруковнинг турмуш ўртоғи

Дилмира Мирзаахмедовна БУЗРУКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"O`zbekenergota`mir" акциядорлик жамияти жамоаси энергетика соҳаси фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик, иқтисодиёт фанлари номзоди, Турон ФА академиги

Тимур Юнусович ЮНУСОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"SHARQ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Персонални бошқариш хизмати бошлиғи Ойгул Сабуровна Маткаримовага акаси

Ўктам Сабурович МАТКАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **21 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ